*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 119 (20. 087) • 1988 йил 24 май • сешанба • Баҳоси 3 тийин.

## Самимий қутловлар

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев Карой Гросни Венгрия Социалистик Ишчи партиясининг Бош секретари этиб сайланганлиги муносабати билан самимий қутлади.

«Сиз Совет Иттифоқида, —дейилади телеграммада, — принципиал коммунист ва Социалистик Венгриянинг эътиборли раҳбари сифатида танилгансиз, Сизнинг СССР билан ВХР ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш соҳасида зўр бериб олиб бораётган фаолиятингиз юксак баҳоланмоқда.

Ўртоқ Грос, янги масъулиятли лавозимда венгерлар диёрида социалистик жамиятни такомиллаштириш ва янгилаш вазифаларини ҳал этишда Сизга астойдил катта муваффақиятлар тилайман. Қардош партияларимиз бундан буён ҳам муштарак ишларда фаол тажриба алмашиб, баҳамжиҳат бўлаверишларига аминман».

* * *

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Янош Кадарга Венгрия Социалистик Ишчи партиясининг Раиси лавозимига сайланганлиги муносабати билан самимий қутловлар ва дўстона табриклар йўллади.

Телеграммада бундай дейилади: «Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби, эътиқодли интернационалчи-ленинчи, мамлакатимизнинг қалин дўсти бўлган Сизга халқ Венгриясининг бахт-саодати, тинчлик ва социализм иши манфаатлари йўлидаги фаолиятда катта муваффақиятлар тилайман. КПСС билан ВСИПнинг қардошларча иттифоқи бундан буён ҳам мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам дўстликнинг пухта гарови бўлиб қолаверишига ишончим комил».

(ТАСС).

# *Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида*
# *ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ*

**1988 йил 23 майда КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлди.**

**Пленум «КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига тезисларининг лойиҳаси тўғрисида»ги масалани кўриб чиқди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев шу масала юзасидан нутқ сўзлади.**

**Пленумда: Қозоғистон Компартияси Кустанай область комитетининг биринчи секретари В. П. Демиденко, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари А. Н. Герасимов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. Г. Ведерников, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. К. Месяц, СССР молия министри Б. И. Гостев, КПСС Олтой ўлка комитетининг биринчи секретари Ф. В. Попов, Украина Компартияси Киев область комитетининг биринчи секретари Г. И. Ревенко, КПСС Астрахань область комитетининг биринчи секретари Л. А. Бородин, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р.-Б. И. Сонгайла, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг ректори А. А. Логунов, Украина Компартияси Львов область комитетининг биринчи секретари Я. П. Погребняк, СССР Фанлар академиясининг вице-президенти Е. П. Велихов, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. Е. Соколов, КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлими мудирининг биринчи ўринбосари Г. М. Корниенко, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. И. Патиашвили, Украина Компартияси Днепропетровск область комитетининг биринчи секретари В. А. Ивашко, КПСС Куйбишев область комитетининг биринчи секретари Е. Ф. Муравьев, КПСС Марказий Комитети Халқаро бўлими мудирининг биринчи ўринбосари В. В. Загладин, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбин, Украина Компартияси Одесса область комитетининг биринчи секретари А. П. Ночевкин ўртоқлар сўзга чиқдилар.**

**КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади.**

**Пленум муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул этди, бу қарор матбуотда эълон қилинмоқда.**

**Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Пленум СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари В. В. Карповни КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан аъзоликка ўтказди.**

**Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.**

## *КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ 1988 ЙИЛ 23 МАЙДАГИ ҚАРОРИ*

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА ТЕЗИСЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. **КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Марказий Комитет Сиёсий бюроси тақдим этган тезислари маъқуллансин.**
2. **КПСС Марказий Комитетининг тезислари партия ташкилотларида, барча меҳнаткашлар ўртасида кенг муҳокама этиш учун матбуотда эълон қилинсин.**
3. **КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевга XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида доклад қилиш топширилсин.**

# М. С. ГОРБАЧЕВнинг
## «Вашингтон пост» газетаси ва «Ньюсуик» журналининг саволларига жавоблари

**Савол.** Президент Рейган билан учта учрашув таъсири остида Сизнинг капиталистик ва социалистик мамлакатлар ўртасидаги тинч мусобақани келгусида қандай тартибга солиш лозимлиги тўғрисидаги тасаввурингиз ўзгардими? Сизнинг фикрингизча, президент билан бўлғуси учрашув бу мусобақани барқарорлаштиришга қандай ҳисса қўшади?

**Жавоб.** Дунёда ижобий тенденциялар вужудга келиб, ривожланаётганига аминман. Муҳолифликдан тинч-тотув яшаш сари бурилиш рўй бермоқда. «Совуқ уруш» шарпаси ўрнини умидворлик эгалламоқда. Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи ўртасида муносабатларни яхшилаш, соғломлаштириш нишоналари бунда каттагина роль ўйнаётганини ҳам кўриб турибман. Дунёнинг ҳамма жойида ўзгаришлар, айтиш мумкинки, халқаро муносабатларни қайта қуришга эҳтиёж ўткир тарзда сезилиб турибди. Мана шундай вазиятда Ғарб билан Шарқ ўртасидаги ижобий алоқаларни қўллаб-қувватлаш бениҳоя муҳимдир.

Ҳозирги дунёда Қўшма Штатлар билан Совет Иттифоқи жуда катта роль ўйнаётганликлари сабабли улар ўртасидаги мулоқот ҳаётий заруратдир.

Биргаликдаги принципиал муҳим қоидалар, чунончи, ядро урушига ҳам, бошқа ҳар қандай урушга ҳам йўл қўйиб бўлмайди; муаммоларни сиёсий йўл билан ҳал этиш керак; ҳозирги дунёнинг реалликларини тан олиш зарур, деган қоидалар қайд этилган мулоқотнинг мазмуни ҳақида гапирмаганда ҳам, шу мулоқот ўтказилиши фактининг ўзида катта маъно бор.

Мана шуларнинг ҳаммаси бутун дунёда янграб эшитилганлиги ва жаҳон аҳли бу ҳақда қандай фикр билдирганлигининг гувоҳи бўлганлигимиз жуда муҳимдир. Модомики шундай экан: ҳа, биз турличамиз ва шундай бўлиб қоламиз, деган хулоса келиб чиқади. Ўз ғояларимизга, ўз турмуш тарзимизга содиқ бўлиб қолаверамиз. Бироқ, муштарак масъулият, айниқса, икки буюк давлатимизнинг муштарак масъулияти бор. Бинобарин, биз ўзимизнинг ҳар бир ҳаракатимизни шу масъулиятга қиёслашимиз лозим.

Президент билан бўлғуси тўртинчи учрашувнинг эҳтимол тутилган натижаларига, жумладан, стратегик ҳужум қуролларининг 50 процентини қисқартириш тўғрисида муфассал битимга эришиш истиқболларига келганда, шуни айтиш керакки, кейинги ойлар ва ҳафталар мобайнида бу хусусда жуда кўп мулоҳазалар билдирилганлиги муносабати билан бир гапни уқтириб ўтмоқчиман: сабр-тоқат қилинглар, учрашувгача саноқли кунлар қолди, бизнинг президент билан бирга ишлашимизга қўйиб беринглар. Биз қандай қарорга келишимиз жамоатчиликдан пинҳон тутилмайди-албатта.

Шундай бўлсада, иккита мулоҳазани айтиб ўтишни лозим кўраман. Олий даражадаги Совет-Америка мулоқоти давом эттирилишининг ўзи муҳим ва аҳамиятлидир. Ҳар ҳолда мен, аввалги учрашувларда бўлгани каби, ҳозирги дунёнинг асосий масалалари биз билан президентнинг диққат марказимизда бўлишига ҳамда биз мулоқот ва ҳамжиҳатликнинг янги поғонасига кўтарила олишимизга умид қиламан.

Башарти, стратегик ҳужум қуролларининг 50 процентини қисқартириш тўғрисидаги битим ҳозирги Америка маъмурияти даврида тайёрланадиган бўлса, биз, президент Рейган билан уни имзолашимиз йўлида тўсиқлар йўқ. Ишнинг шу тарзда боришини мен табриклаган бўлур эдим.

**Савол.** Ғарбдаги кўп кишилар кейинги ўн йилликларда ядро қуроли дунёдаги барқарорликни сақлаб қолишга кўмаклашди, деб ҳисобламоқдалар. Мана шундай шароитда СССР билан АҚШ учун энг оз даражадаги тийиб турувчи ядровий кучларни сақлаб қолиш тўғрисида келишиб олиш оқилона иш бўлмайдими?

**Жавоб**. Ядросиз дунёга интилиш беҳуда деб ҳисоблаётган кишиларнинг фикрига қўшила олмайман.

Ғарб вакилларининг, гўё агар ядро қуроли бўлмаганида, биз жаҳон урушисиз қирқ йил яшай олмаган бўлур эдик, деган даъвоси хусусида неча марталаб баҳслашганман. Бу даъво тахминий фараз маҳсулидир. Башарти, «даҳшат мувозанати» деб аталган нарса амалда ўйнаган ролга сергак баҳо берилса-чи? Бу нарса ташқи сиёсатни, экономикани, ҳатто маънавий турмушни мисли кўрилмаган даражада милитарлаштиришдан бошқа ҳеч қандай натижага олиб келгани йўқ. Бу нарса халқаро аҳлоқ ва одоб соҳасида зиён етказди, фашизмга қарши, биргаликдаги уруш ва унинг устидан қозонилган



Суратда: учрашув пайти.

ТАСС — ЎзТАГ телефотоси.

ғалаба давомида Совет — Америка муносабатларида вужудга келган ишонч ва дўстлик, бир-бирига астойдил қизиқиш муҳитини барбод қилди.

Ядро қуролисиз ҳам ҳарбий-стратегик тенгликни қуйи даражада сақлаб туриш мумкинлигига аминман. Биз қуролланиш пойгасини тўхтатиш, уни орқага буриб юборишдан иборат йўлимизни равшан таърифлаб бердик.

«Энг оз миқдордаги тийиб турувчи ядровий куч» деб аталган нарсага келганда, ҳозир шу ғоя тарафдорлари билан баҳслашиб ўтирмайман. Ҳозир бизнинг ҳам, сизнинг ҳам стратегик аслаҳахоналаримизда 10 мингтадан ортиқ портловчи каллак мавжуд. Келинглар, аввал уларни икки ҳисса қисқартирайлик, кейин, эҳтимол, яна икки ҳисса, сўнгра яна икки ҳисса қисқартирамиз. Шу вақт ичида химиявий қуролни тугатиш ҳақида келишиб оламиз ва Европадаги оддий қурол-яроғларни қисқартириш жараёнини бошлаймиз. Бу ишларнинг ҳаммасида СССР билан АҚШгина эмас, ядро қуролига эга бўлган ва ядросиз бошқа давлатлар ҳам қатнашадилар. Бу эса дунёни сиёсат, тафаккур, умуман халқаро муносабатлардаги милитаризм руҳидан ҳалос этиш сари ўзгартишнинг муҳим омили бўлиб қолади. Яна бир гап бор: агар биз ҳозирнинг ўзидаёқ «энг оз даражадаги ядровий тийилиш»ни кўзлаб ишлайдиган бўлсак, ядро қуроли бутун дунёга ёйила бошлайди, ҳатто биз Совет-Америка музокараларида ва ҳозир мавжуд ядродор давлатларнинг музокараларида эришилиши мумкин бўлган нарсаларни қадрсизлантириб, путурдан кетказиб қўяди, мен бунга аминман.

Инсониятнинг тинч келажагига «ядровий тийилиб туриш» эмас, балки ақл-идрок ва холис ният мувозанати, ялпи хавфсизлик системаси кафолот бериши мумкин.

**Савол:** НАТО раҳбарлари, ҳатто Европада оддий кучлардаги тенгликка эришилган тақдирда ҳам қитъада ядро қуролини қасос қуроли тарзида барибир сақлаб қолиш зарур, деган гапни айтишди. Агар, шу позицияга биноан, Ғарб учун ядровий қуролсизланиш мақбул бўлмаса, Европада жойлаштирилган тактик ядро қуролини модернизациялаш шартлари хусусида қўшма битимга эришишга интилиш лозим эмасми?

**Жавоб.** Қитъада қасос воситаси тарзидаги ядро қуроли хусусида айтилаётган гаплар — Европада ядро «чекланган уруши» концепциясининг ўзидир. Шу концепция биз АҚШ президенти билан Женевадаёқ айтган фикрга, чунончи, ядро урушида ғолиблар бўлиши мумкин эмас, бундай урушнинг ўзи бўлмаслиги керак, деган фикрга мутлақо зиддир. Европадаги тактик ядро қуролини модернизациялаш тўғрисидаги режанинг амалга оширилиши қитъанинг марказида ядровий фалокат хавфини солмайдими, ахир?

НАТОнинг ядро қуроли хусусидаги баёнотларини биламан. Аммо НАТО штабларидагина эмас, кенг жамоатчилик, илмий доираларда, ҳукумат доираларида ҳам фикр юритилаётганини ҳам биламан. Европанинг ғарбида ҳам, шарқида ҳам, Атлантикадан Уралгача оддий қурол-яроғларни, шу жумладан, икки хил вазифани бажарувчи воситаларни ҳам қисқартириш йўллари тўғрисида нуфузли тарафдорларга эга бўлган бир қанча ғоялар бор. Биз Европа шимолида ва Болқон ярим оролида ядросиз зоналарни вужудга келтириш ғоясини қўллаб-қувватлаймиз. Марказий Европада ҳамма турдаги ядро қуролидан ва умуман оғир қуролдан ҳалос этилган 300 километрлик йўлак вужудга келтириш тарафдоримиз. Мен ҳамма ғояларни эмас, фақат баъзилариниги-на тилга оляпман.

Ядро урушидан ҳалос бўлиш сари интилиш усулини ҳар қандай «нусха»да ҳам чинакам хавфсизликка эришиш имконини бермайдиган ядро қуролига ёпишиб олишга уриниш орқали эмас, балки айни мана шундай, оралиқ лойиҳалари орқали излаш лозимлигига аминман. Сиз ўз саволингизда баён этган ғоялар ўзини-ўзи алдашдир.

Агар «тийилиб туриш» ҳақида гапириладиган бўлса, ҳатто оддий қурол ёрдамида атом электр станциясига ва химия заводларига зарба уришнинг ўзи ҳам аҳоли зич жойлашган Европа учун ҳалокатли бўлиши мумкинлигини англаш урушдан тийиб турмайдими?

**Савол.** НАТО мамлакатлари Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларга тўсатдан ёки кенг миқёсли ҳужум операциялари ўтказиш учун фойдаланиш мумкин бўлган ядросиз қурол-яроғларни бир неча ўн минглаб қисқартиришга рози бўлишни таклиф қилдилар. Бу ёндашув сизнинг номутаносиб қисқартишлар асосида музокаралар ўтказиш ҳақида айтган ниятларингиз доирасига мувофиқ келадими?

**Жавоб**. Бизнинг томонимиздан бу йўлда ҳеч қандай тўсиқлар йўқ. Бироқ НАТО билан Варшава Шартномаси ўртасида қурол-яроғлардаги номутаносибликка келганда, бу хусусда бир неча марталаб гапиришимга тўғри келган эди: иккала томонда номутаносиблик мавжуд. Биз номутаносибликни ўзаро тугатиш тарафдоримиз. Масалан, Варшава Шартномаси армияларида танклар кўп, НАТО армияларида эса зарбдор самолётлар кўп. Совет Иттифоқи ва бизнинг иттифоқчиларимиз мана шу ва бошқа номутаносибликларни дарҳол тугатишга тайёрдирлар, бироқ, такрор айтаманки, иккинчи томон ҳам шундай қилиши керак. Кейинчалик фақат мудофаа учун етарли бўлган энг паст даражада қурол-яроғларни баравар-лаштириб олиш мумкин бўлур эди.

Ҳозир Венада 23 давлат вакилларининг бўлажак конференция учун мандат ишлаб чиқилаётган маслаҳатлашувларидаги ҳозирги иш мароми бизни қаноатлантирмайди. Агар Венадаги иш аввалгидек, ўртамиёна бораверадиган бўлса, Европа ҳалибери мана шу номутаносибликларни тугатишга эриша олмайди.

Эҳтимол, мана шундай вазиятни мақбул кўрадиган кишилар ҳам бордир. Аммо улар ўз позицияларида узоқ тура олмайдилар, деб ўйлайман. Европа қитъасидаги хавфли ҳарбий қарама-қаршилик масаласини ҳал этиш муқаррарлигини тушунувчи кучлар ўсиб бормоқда.

**Савол.** Президент Рейганнинг ваколатлари тугагунига қадар қолган ойларда Сизнинг президент билан шахсий муносабатларингиз давлатлараро даражага кўтарилиши ва келажакда норма бўлиб қолиши учун нима қилиш лозим?

**Жавоб.** Ҳозирги халқаро муносабатлар тажрибаси давлатлар олий раҳбарларининг учрашувлари, айниқса, Қўшма Штатлар ва Совет Иттифоқидек давлатлар раҳбарларининг учрашуви ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Ҳамонки, иккала мамлакат мулоқотни давом эттириш ва муносабатларни соғломлаштириш зарурлигини яққол англаб олган экан, шу нарса мутлақо равшанки, бу ўринда гап фақат раҳбарларнинг шахсий позицияларидагина эмас. Бу — даврнинг қатъий амридир. Бу— халқларимиз муддаосидир. Совет — Америка мулоқотидаги доимий мезон ана шундайдир ва у сақланиб турибди. Агар бунга яна орттирилган тажрибани ҳам қўшадиган бўлсак, буларнинг ҳаммаси биргаликда изчилликка ҳамда ҳатто алоқаларни ва ҳамжиҳатликни кучайтириб боришдан умидвор бўлишга имкон беради. Аммо, такрор айтаманки, буларнинг ҳаммасига у ёки бу арбобларнинг кайфияти, уларнинг шахсий майллари эмас, балки давлатларимиз ва халқларимизнинг манфаатлари асос бўлади. Ўзаро муносабатларимизни олдиндан айтиб бериш мумкин бўлмаган маррага олиб бориб қўйишга ҳеч кимнинг ҳақ-ҳуқуқи йўқ. Совет — Америка мулоқотини давом эттириш ва ривожлантиришнинг негизи ана шундадир. Келажакда ҳам шундай бўлиб қолаверади.

Хуллас, биз мулоқотни давом эттиришдан манфаатдормиз, унинг натижадор бўлишига ҳаракат қилаверамиз, навбатдаги Америка маъмуриятининг ҳам биз билан мулоқотга «кўникишини» енгиллаштиришга интиламиз, 1985 йилда бошланган Женева жараёнида узилиш бўлмаслиги учун ўзимизга боғлиқ барча ишларни қиламиз. Америка томонининг ҳам шундай йўл тутишига умид боғлаймиз, албатта.

**Савол.** Сиз президент Рейган Американинг бошқа раҳбарларидан фарқ қилади, деб ҳисоблайсизми? Унинг қайси фазилатлари ёки тасаввурлари ворисига ўтишини истар эдингиз? У ҳарбий-саноат комплекси АҚШ сиёсатини олдиндан белгилаб бермайди, деб Сизни ишонтиришга муваффақ бўлдими?

**Жавоб**. Маълумки, мен президент Рейган билан бундан уч йилча илгари Женевада танишган эдим. Ўтган давр мобайнида биз турли шаклларда доимо алоқа боғлаб турибмиз. Уч бор шахсий учрашув бўлди. Энди тўртинчи бор учрашув арафасидамиз.

(Давоми иккинчи бетда).

# ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН!

*Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг бугун Тошкентда очиладиган халқаро кинофестивали шиори ана шундай*

**КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев «Ғоят кўпчиликни қамраб оладиган прогрессив кинодаврнинг илғор ғояларини барқарор қилиш учун, мамлакатлар ва халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликнинг тантанаси учун кўп иш қилиши мумкин», деган эди. Бу фикрнинг конкрет исботини 1935 йилдан бери ўтказиб келинаётган Москва халқаро кинофестивали мисолида яққол кўриб турибмиз. Тошкент халқаро кинофестивали ҳам худди ана шундай олийжаноб мақсадларга хизмат қилмоқда.**

## ДЎСТЛИК ЭКРАНИ

С. У. СУЛТОНОВА,
ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, КИНОФЕСТИВАЛЬ ТАШКИЛИЙ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

У яна шаҳримизга, қуёшли республикамизга ташриф буюрмоқда. СССР ва Ўзбекистон ССР Кинематография давлат комитетлари ҳамда СССР ва Ўзбекистон ССР Кинематографчилар союзлари ҳар икки йилда ўтказадиган бу санъат кўригининг мақсади Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кино санъатининг энг яхши асарларини оммалаштириш, шу мамлакатлар кинематографиясининг ижодий ривожига ҳисса қўшиш ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашдир. Фестивалнинг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» деган мумтоз, муқаддас шиори бор.

Бу галги кинофестиваль икки жиҳатдан алоҳида муҳим ва қимматли. Биринчидан, у ер юзида тинчликни сақлаш, қуролланиш пойгасини йўқотиш, ядро ҳалокатининг олдини олиш мақсадида ўтказилаётган навбатдаги олий даражадаги Совет — Америка учрашуви арафасида очиляпти. Кинофестиваль Москва учрашувининг кутилганидек самарали бўлишини тилайди. Иккинчидан, у юбилей киноанжуманидир. Иш бошлаганига 20 йил бўлди, ўнинчи бор Тошкентга уч қитъа кинематографчиларини таклиф қилди.

Эндиликда Тошкент кинофестивалининг ўз тарихи, анъаналари бор. У 1968 йилда Осиё ва Африка мамлакатлари халқаро кинофестивали сифатида иш бошлаган эди. Биринчисида 49 мамлакат иштирок этиб, 105 бадиий ва ҳужжатли фильм кўрсатилган бўлса, иккинчисида қатнашчилар ва кинолenталар сони янада кўпайди. Тўртинчи фестивалда 210 картина намойиш этилди. 1976 йилдан бошлаб учрашув уч қитъа кинокўригига айланди. Яъни, кинофестивалга Лотин Америкаси мамлакатлари ҳам қўшилди.

Тошкент кинофестивали бунчалик шуҳрат қозонишининг сири нимада, деган савол туғилиши мумкин. Бу ерда ҳеч қандай сир йўқ. Гап шундаки, тараққийпарвар хорижий кинематографчилар ўзлари яратган асарларнинг оммалашувида, миллий экран санъатларининг ривожида, бошқа халқ вакиллари билан ўзаро дўстлик алоқалари ўрнатишда бу фестивалдан манфаат кўрадилар. Қолаверса, улар кинофестиваль шиорида ифода этилган ҳаётбахш мақсад — тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун кураш ишига ҳисса қўшишни ўзлари учун шарафли бурч деб биладилар.

Тошкент кинофестивалидан Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг деярли барча мамлакатлари миннатдор. Негаки, ҳозирга қадар ўтган тўққиз фестивалда барчаси бирдай, хоҳ у йилига қарийб мингтадан фильм ишлаб чиқараётган Ҳиндистон, уч юзтага етказиб картиналар яратаётган Япония бўлсин, хоҳ у яқиндагина ўзининг илк фильмини экранлаштирган, мустақил кинематографиясига эга бўлган Яман Халқ Демократик Республикаси, Кампучия, Афғонистон бўлсин, теппа-тенг иштирок этди.

Уч қитъа кинофестивали туфайлигина жуда кўп ёш мамлакатларнинг кинематографияси халқаро майдонда танилди, назарга тушди. Ўнлаб, юзлаб ўзаро ижодий алоқа ва ҳамкорликларга асос солинди. Чет эллик санъаткор дўстларимиз, яъни, кинорежиссёрлар Тошкент экранида миллий озодлик ҳаракатининг, мустамлакачилик зулмини улоқтириб ташлаган мамлакатлардаги ижтимоий ўзгартишларнинг кенг манзарасини ўзига хос ёрқин бўёқларда тасвирламоқдалар. Империализмга, мустамлакачиликка қарши курашни кучайтириш зарур, деган фикрга асосланиб ишлаётган кинематографчилар сафига янги кучлар қўшилди. Кино санъатидаги илғор, реалистик тенденцияларни ривожлантиришга хизмат қилиш иштиёқи янада кучайди. Энг муҳими, тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун кураш мавзуини акс эттирган фильмлар кескин кўпайди. Дунёнинг турли бурчакларида яшайдиган, ижод қиладиган кишилар ўртасида дўстлик пайдо бўлди ва мустаҳкамланди.

Ўтган тўққизта кинофестивалда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг киноюлдузлари актив иштирок этдилар. Бу ўринда ҳиндистонлик Мринал Сен, Радж ва Шаши Капур, япониялик Тосиро Мифунэ, Соцуо Ямамото, туркиялик Тюркан Шорай, мексикалик Серхио Ольхович, сенегаллик Сембен Усмон, вьетнамлик До Кьем, сириялик Муҳаммад Аль Зубайдий, мисрлик Юсуф Шахин, чилилик Патрисио Гусман, Себастьян Аларкон, кубалик Энрике Пинеда Барнет, нигерлик Умару Ганда, марокашлик Сухайль Бен Барка, конголик Себастьян Камба ва бошқаларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз. Улар Тошкентга энг янги, энг яхши асарларини олиб келиб кўрсатдилар. Бу машҳур режиссёрларнинг кейинчалик кино оламида воқеа бўлган, турли халқаро фестиваллар ва конкурсларда мукофотлар, совринлар билан тақдирланган жуда кўп картиналари биринчи марта шу ерда, уч қитъа экранида намойиш этилган. Кинорежиссёрлар ва артистлар фестиваль кунлари бўладиган учрашувларда, баҳс-мунозараларда, симпозиумда ҳамма вақт ўз фикр-мулоҳазалари билан актив қатнашадилар. Ёш кинематографчиларга ўз тажрибалари ҳақида гапириб берадилар. Айни вақтда мамлакатимиздаги ҳамкасблари билан учрашиб, ижодий алоқаларни янада кучайтириш, шунингдек, режалар тўғрисида гаплашиб оладилар. Чинакам эзгулик намунаси бўлиб экранга кўчган совет фильмлари билан яқиндан танишадилар.

Тошкент кинофестивалининг шиори муқаддас, мақсад, вазифалари эзгу. Шу боисдан ҳам иштирокчилар сони фестивалдан-фестивалга ошиб келмоқда. Ҳозирги вақтда фестивалда 100 дан ортиқ мамлакат кинематографчилари қатнашмоқдалар. X фестивалда иштирок этиш учун 110 мамлакатга таклифнома юборилган эди. Бугунгача қарийб ҳаммасидан қатнашиш ҳақидаги истакномани олганмиз.

Бу галги кинофестиваль аввалгиларидан фарқ қилади. Янгилик шундаки, энди тўла метражли бадиий фильмлар конкурси ўтказилади. Шунинг учун Москвада фестивалга тавсия этилган фильмларни сараловчи комиссия ишлади. Комиссия 15 та энг яхши фильмни конкурсга тавсия этди. Ана шундай асарлар орасида «Ўзбекфильм» киностудиясида режиссёр. М. Абзалов раҳбарлигида экранлаштирилган «Армон» кинолентаси ҳам бор.

Конкурсга тавсия этилган фильмларни халқаро жюри баҳолайди. Унга таниқли кинорежиссёр, Чили ватанпарвар кучларининг вакили Мигель Литтин раислик қилади. Жюри составида ҳиндистонлик режиссёр Кетан Мехта, хитойлик режиссёр Се Дзинь, кубалик актриса Дейси Гранадос, тунислик режиссёр Абеллатиф Бен-Амар, япониялик режиссёр Огури Кохейлар бор. Тожикистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, режиссёр-оператор Давлат Худоназаров, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, режиссёр Али Ҳамроевлар ҳам фильмларни баҳолашда иштирок этадилар.

Халқаро жюри энг яхши тўла метражли бадиий фильм учун «Олтин семурғ» деган бош соврин беради. Шунингдек, унинг ихтиёрида аёл ролининг энг яхши ижрочиси учун «Олтин лола», эркак ролининг энг яхши ижрочиси учун «Олтин арча», кино санъатида миллий анъаналарни сақлаганлик ва ривожлантирганлик учун «Хўжа Насриддин», кинода илк бор муваффақиятли қатнашган кишилар учун «Кумуш семурғ» совринлари бор.

СССР Кинематографчилар союзи, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги комитети, Лотин Америкаси халқлари билан бирдамлик совет комитетлари кинофестиваль учун ўзларининг совринларини таъсис этган.

Конкурсдан ташқари бадиий, ҳужжатли фильмлар ахборот тарзида ҳам намойиш этилади. Ўзбекистон ижодий союзлари ана шу асарларга атаб «Ахборот тарзида кўрсатилган энг яхши фильм учун» совринлар жорий қилди.

Программада фильмларнинг ретроспектив намойиши ҳам бор.

Фестивалда кино бозори уюштирилади. Биринчи марта кинематографчиларнинг профессионал клуби — ПРОК-88 ишлайди. Унда фестиваль меҳмонлари ўз фильмларини кўрсатадилар, муҳокама этадилар, ҳамкасблари билан учрашадилар, «Кино ва миллий маданият анъаналари» мавзуидаги симпозиумда қатнашадилар.

Тошкент экранида намойиш этилган фильмлар тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун кураш ишига ўзига хос ҳисса бўлиб қўшиляпти. Тўғри, иштирокчи мамлакатларнинг бу борадаги изланишларини бирдай деб бўлмайди. Лекин бир нарса аниқ, қувонарлидир: хорижий кинематографчилар инсонпарварликнинг ғояларини ҳимоя қилишда, тарғиб этишда кинонинг роли нақадар катта эканлигини тобора чуқурроқ англамоқдалар. Унинг имкониятларидан янада активроқ фойдаланишга интилмоқдалар. Буни юбилей анжумани — X кинофестивалга бўлган катта қизиқиш ҳам яна бир бор ёрқин кўрсатиб турибди.

Марҳабо, қадрдон,
кинофестиваль!
Хуш келибсиз,
азиз дўстлар!




Салом, кинофестиваль!

В. Молгачев фотоси.

*Санъатлар ичида... энг муҳими кинодир*

В. И. ЛЕНИН



**Уч қитъа кинофестивали конкурсида ғолиб чиққанлар учун бериладиган совринлар Тошкент заргарлик заводида тайёрланди. СУРАТДА: ўз эгасини кутаётган ана шу мукофотлар.**

**А. Рисқиев ва Ф. Қурбонбоев фотоси (ЎзТАГ).**

## «Тошкентга интиламиз!»

### КИНО ЮЛДУЗЛАРИНИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИ

Саховатли кишилар юртида ташкил этилган ва ҳамиша зўр муваффақият билан ўтиб келаётган Тошкент фестивали катта имкониятдир. Бу ерда хоҳлаганча дўстлар орттириш, истаганча чет эллик ҳамкасбларимизнинг фильмларини кўришимиз, айни вақтда ўзимиз экранлаштирган картиналарни уч қитъа вакиллари назарига ҳавола этиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитишимиз мумкин. Кинофестиваль ўзаро ижодий алоқа ва ҳамкорликларнинг асосчиси сифатида ҳам қимматлидир. Шу боисдан унда қатнашиш ҳақида таклифнома олишимиз билан Тошкентга, совет кишилари ҳузурига интиламиз.

**Радж КАПУР.**
**(Ҳиндистон).**

Мамлакатимиз кинематографияси ўзининг тирихига, анъаналарига эга. Унинг етарли ижодкорлари, ўзига хос репертуари бор. Лекин кейинги йилларда кино санъатимизда кескин ўзгаришлар юз берди. Айниқса, фильмларимизнинг тематикаси янада ранг-баранглашди. Бунда Тошкент кинофестивалининг таъсири катта.

**До Мин Туан**
**(Вьетнам)**

Уч қитъа киноанжуманида қатнаша бошлагач, киночиларимизда ижодга бўлган масъулият янада ортди. Аксарият ҳолларда тақлид шундоққина кўриниб турган картиналар экранлаштириларди. Айни вақтда кўнгилхушлик учун яратилган, томошавийлиги шундоққина билиниб турган асарлар кўплаб экранларга чиқарди. Энди фильмларимизнинг мазмунини ижтимоий-сиёсий воқеа белгилайди, улар томошабинни фикр-мулоҳазалар юритишга ундайди. Бундай ёрдамдан миннатдормиз.

**Роберто Рочин**
**(Мексика)**

Ўзбекистонда ўтаётган халқаро фестиваль ўзининг бетакрор репертуари билан ажралиб туради. Бу учрашув айни вақтда кино юлдузлари давраси ҳамдир. Шахсан менинг ўзим мазкур санъат кўригидан кўп нарсалар ютдим. Масалан, машҳур совет кинорежиссёрлари билан қалин дўст бўлишимда бу фестиваль ҳал қилувчи роль ўйнади.

**Сембен Усмон**
**(Сенегал).**

Дунёнинг турли бурчакларида ўнлаб халқаро кинофестиваллар мунтазам ўтказилиб турилади. Лекин Тошкент кинофестивалидек демократик анжуман жуда кам. Унда муносиб асарлар билан иштирок этган киши бахтиёр санъаткордир.

**Хектор Каррильо**
**(Куба)**

Уч қитъа мамлакатлари кинематографиясида тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун кураш мавзуини акс эттирган фильмлар йилдан йилга кўпаймоқда. Бу Тошкент кинофестивалининг саховатли даъвати самарасидир.

**Хироказу Ито**
**(Япония)**

Кейинги ўн-ўн беш йил ичида турли қитъаларда, турли мамлакатларда ижод қилаётган кинорежиссёрларнинг ҳамкорликда экранлаштираётган фильмлари кўпайди. Мисол учун бизнинг мамлакатимиз киночиларининг совет режиссёрлари билан анча йил бурун бошланган ижодий ҳамкорлиги кучайди. Ана шундай биргаликда яратган картиналарни уч қитъа кинофестивалида намойиш этишга интиламиз.

**Хюлия Авшар**
**(Туркия)**

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро Тошкент кинофестивалининг шиори тараққийпарвар инсониятнинг қалб даъвати ифодасидир.

**Исмоил Ас-Сайаги**
**(Яман Халқ Республикаси)**

Тошкент кинофестивали биринчи навбатда дунё халқларининг дўстлигини мустаҳкамлашда алоҳида хизмат кўрсатмоқда. Айни вақтда ўзаро ижодий алоқа ва ҳамкорликларни кучайтирмоқда. Эндигина ўз кинематографиясига эга бўлган мамлакатларнинг фильмларини жаҳон экранларига олиб чиқяпти.

**Себастьян Аларкон**
**(Чили)**

*• ТОМОШАБИН ТАБРИГИ*

## УЧ ҚИТЪА БИЛАН УЧРАШУВ

Халқаро ижодий учрашувлар, конкурслар, анжуманлар маданият арбобларининг ўзлари учунгина эмас, айни вақтда кенг томошабинлар оммаси учун ҳам алоҳида қимматлидир. Масалан, биз Тошкент кинофестивалига қадар Ҳиндистон киноси билан кўпроқ таниш бўлган бўлсак, ана шу ижодий анжуман иш бошлади-ю, дунёнинг бошқа катта-кичик мамлакатлари экран санъатини ҳам томоша қилиш имкониятига эга бўлдик. Эндиликда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинематографияси ҳақида тасаввурга эгамиз. Курраи заминимизнинг турли бурчакларида юз бераётган воқеалар экран талқинида ўзига хос бадиий ифодасини топган ҳолда бизга етиб келмоқда. Масалан, айнан Тошкент фестивали сабаб бўлиб, ҳозирги замон кино санъатида ҳам дадил изланишлари билан майдонга чиққан Куба фильмларини томоша қиляпмиз. Муҳожирликда яшаса-да, тушкунликка тушмай, аксинча, келгусида албатта ғалаба қилишларига ишониб ижод қилаётган Чили ватанпарвар кучлари вакилларининг картиналари ҳам биз учун қадрлидир.

Ҳозир тинчлик учун кураш авжига чиққан тарихий даврдир. Ҳар бир соф виждонли, тараққийпарвар, келажакка ҳамма вақт умид билан қаровчи инсоннинг мақсади тинчликни янада мустаҳкамлашга, қуролланиш пойгасини тўхтатишга, ядро ҳалокатининг олдини олишга қаратилгандир. Тўрт кундан кейин Москвада бошланадиган навбатдаги олий даражадаги Совет — Америка учрашуви ана шундай улуғвор ният, интилишларнинг тезроқ рўёбга чиқиши учун уюштирилаётганини яхши биламиз. Ана шу тарихий учрашувни «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» деган мўътабар шиор билан кутиб олаётган Тошкент киноанжуманидан ҳар қанча фахрлансак арзийди!

Уч қитъа билан, аниқроғи, унинг кинематографчилари, фильмлари билан учрашув ҳар қандай меҳнат кишисига илҳом бағишлайди. Мисол учун биз VIII, IX фестивалларда Вьетнам, Ангола, Афғонистон кинокартиналарини томоша қилиб, дўстларимизнинг маданият соҳасида ҳам ютуққа эришаётганликларидан огоҳ бўлдик, қувондик. Бу мамлакатларда юз бераётган ижобий ўзгаришларда Совет Иттифоқининг беғараз ёрдами бор.

Кўпсонли томошабинлар, қолаверса, кинони чин дилдан севадиган коллективимиз номидан X фестивалнинг ҳам муваффақиятли ўтишини тилайман.

**Йўлдош АКБАРОВ,**
Тошкентдаги 2-автокомбинат ҳайдовчиси,
XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегати.

*• Жюри раисини таништирамиз*

## МИГЕЛЬ ЛИТТИН

Кейинги йилларда Чили кинематографиясининг довруғини таратган уч кинорежиссёрнинг номи тилга тушди. Булар Себастьян Аларкон, Патрисио Гусман, Мигель Литтинлардир. Чилида фашистлар давлат тўнтариши қилгач, чет элга чиқиб кетишга мажбур бўлган бу ижодкорлар муҳожирликда ҳам баракали меҳнат қилмоқдалар.

Улар асарларининг мазмунини асосан Чили ва унинг тақдири учун кураш, фашистларнинг кирдикорларини фош этиш ташкил этади. Масалан, Патрисио Гусманнинг «Чили учун кураш» кинотрилогияси экран санъатида ўзига хос воқеадир. Себастьян Аларконнинг «Чили узра тун» картинаси ҳам ҳаётий фактлар асосида экранлаштирилган. Уни томоша қилган киши Чили узра албатта тонг отишига ишонади.

Мигель Литтиннинг кинорежиссёрлик санъатига кириб келиши бирмунча қизиқ. У бир неча йил тажрибали режиссёр И. Ивенсга ёрдамчилик қилди. Режиссёрнинг «Вальпараисога борамиз», «Ғалаба поезди» фильмларини экранлаштиришда ёрдамлашди. Ўзига сценарий берилса, уни суратга олишга журъат этолмади. Кейинчалик режиссёр Э. Сото билан ҳамкорлик қилди. Устози «Дугонам бор эди» фильмини яратиш жараёнида Мигель Литтиннинг умидбахш қобилиятидан хурсанд бўлди ва уни дадилроқ бўлишга ундади. Кўп ўтмай Э. Сото «Саводсизлик» фильмини ишлашга киришди. Шунда, ҳеч иккиланмай, асосий роллардан бирини Мигелга тавсия қилди. Шогирд ролни кутилганидек қилиб ижро этди. «Ана» картинасида ҳам эсда қоладиган образ талқин қилди.

Ана шу дастлабки муваффақиятлардан илҳомланган Мигель Литтин 1965 йилда «Бегона юрт учун» деган қисқа метражли фильмни суратга олди. Ёшлар проблемаларига бағишланган бу картина режиссёрлик санъатига яна бир иқтидорли ёш кириб келаётганини рўйрост кўрсатди. Фильм фестиваль ва конкурсларда намойиш этилиб, назарга тушди.

Ўзининг режиссёрлик қобилиятига тамоман ишонган Мигель Литтин уч йил ўтгач «Наультородан чиққан бўри» деган тўламетражли бадиий фильмини яратди. Асарни томоша қилган маданият арбоблари, санъатшунослар кадрларда юз берадиган жиноятнинг социал илдизлари тўлақонли, ҳаётий очиб берилганлигини таъкидладилар.

1970 йилдан бошлаб Мигель Литтин кино арбоблари касаба союзини бошқарди. Бу союз Сальвадор Альендени сайловда актив қўллаб-қувватлади. Айни вақтда ижоддан тўхтамаган санъаткор Сальвадор Альенде ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «Ўртоқ президент» тўламетражли ҳужжатли фильмини суратга олди. «Орзудаги она замин» бадиий фильми мамлакатда 1932 йилда «социалистик» деб эълон қилинган, атиги ўн икки кун яшаган республика ҳақида ҳикоя қилди.

Фашистлар давлат тўнтариши қилишгач, Мигель Литтин Мексикада яшай бошлади. Унинг муҳожирликда экранлаштирган «Марусиа конидаги воқеа» бадиий фильми режиссёр ижодидагина эмас, айтиш мумкинки, бутун Лотин Америкаси кинематографиясида воқеа бўлди. Картинага «Оскар» халқаро мукофоти берилди.

Хўш, асар муваффақиятининг сири нимада? Аввало таъкидлаш керакки, Мигель Литтиннинг бу асари оригинал режиссураси билан диққатга сазовор. Воқеалар талқинида сохталик ёки енгил-елпилик кўзга ташланмайди. Фильм конкрет тарихий воқеаларни тасвирлайди. 1907 йилда Чилининг Марусиа посёлкасида қўзғолон бўлади. Уни ҳукумат шафқатсизларча бостиради. Лекин ишчилар ҳаракати тўхтамайди, пролетариатнинг илк ташкилотлари пайдо бўлади.

Фильм айни вақтда бугунги кунда Чилида юз бераётган воқеаларни эслатади, хунта репрессиялари, мамлакатдаги фашизм ҳақида ҳикоя қилади. Бундай кенг пландаги, чуқур мазмунли фильм яратиш қийин эди. Лекин Мигель Литтин бунинг уддасидан чиқди. Буюк режиссёрлар анъаналари, тажрибаларидан яхши хабардор бўлган талантли санъаткор Марусиа, қолаверса, келажаги порлоқ Чили ҳақида ўзига хос киноқўшиқ ижод қилди. Асар қаерда, қандай фестиваль ёки конкурсда намойиш этилмасин, бирдай муваффақият қозониб келмоқда. Жумладан, у Тошкент кинофестивалида кўрсатилиб, анжуман иштирокчилари, меҳмонлари ва кўп сонли санъат мухлисларига манзур бўлди.

Мигель Литтин ҳозирги замоннинг буюк ёзувчиси колумбиялик Г. Г. Маркес асарига мурожаат этиб, «Монтьель хоним» бадиий фильмини экранлаштирди. Адабиёт мухлислари картинани томоша қилишар эканлар, машҳур асарга муносиб фильм яратилганлигига амин бўлдилар. Ёзувчининг қиссаси рус тилида аллақачон босилиб чиққан. Китобхонлар уни яхши билишади.

Чили хунтачиларини фош қилган «Альсино ва Кондор» фильми ҳам Мигель Литтин номини оламга таратди. Бу асар Москва халқаро кинофестивалида кўрсатилганида жюри унга бир овоздан Бош совринни берди.

Чили ватанпарвари Тошкент кинофестивалини ҳамиша юксак қадрлайди. Бу гал ҳам таклифнома олиши билан биринчилар қаторида қатнашиш истагини маълум қилди. Кинофестиваль Ташкилий комитети, СССР Кинематография давлат комитети Мигель Литтинга катта ишонч билдирди: у биринчи марта ўтказилаётган тўла метражли бадиий фильмлар конкурси жюрисига раислик қилади.

**Ю. БОРОВИКОВ.**

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

Р. — 16646 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. А. — 119. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12